



ЎУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ

Хидиров Фурқат Шукруллаевич

ИИВ Малака ошириш институти

Касбий махсус фанлар кафедраси ўқитувчиси

<https://www.doi.org/10.37547/ejlfas-v03-i02-p1-28>

ARTICLE INFO

Received: 11th February 2023

Accepted: 22th February 2023

Online: 23th February 2023

KEY WORDS

Ўуқуқ-тартибот масканлари, ҳуқуқбузарликлар, профилактика, ички ишлар органлари.

ABSTRACT

Ушбу мақолада маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ички ишлар органларининг фаолиятини бевосита маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича, шунингдек фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида сўз боради.

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Шу билан бирга, кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар ушбу вазифаларни самарали бажаришда тўсиқ бўлмоқда¹.

Таъкидлаш лозимки, мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб жиноятчиликка қарши кураш ва уларнинг олдини олиш муҳим вазифалар сифатида белгилаб берилди, шу билан бир қаторда ўша даврдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди. Албатта замон ривожланиб борар экан, ҳар қандай фаолият шунга қараб мослашиб, такомиллашиб бориши зарурий ҳақиқатдир.

Шу боисдан, ички ишлар органлари тизимларида доимий равишда ислоҳотлар амалга ошириб келинди ва улар давом эттириб келинмоқда. Ҳар қандай жамиятда бўлгани ками мустақилликнинг дастлабки ўтиш даврларида муайян муаммо ва камчиликлар мавжуд бўлган ва уларни бартараф этиш юзасидан зарурий чоратадбирлар амалга оширилган.

Тоталитаризмдан демократия ва бозор муносабатларига ўтишдек мураккаб давр моҳиятан асосий сиёсий, иқтисодий ва маданий тузилмаларни синдириб ташлашни англатади, бу эса ахлоқ-одоб меъёрларига салбий таъсир этади ва жиноятчилик ҳамда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони// URL: <http://www.lex.uz>.



коррупция муқаррар равишда кучаяди². Республикамизда 1999 йил 16 февраль куни мамлакатимиз сиёсатини издан чиқариш мақсадида бир гуруҳ террорчилар томонидан мамлакатимиз раҳбарини жонига суйиқасд уюштирилади. Бундай вазиятда жамиятда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг, шу жумладан жиноятларнинг олдини олишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг шаклланиши ва ривожланиши давом этмоқда.

Мазкур масалаларга ҳуқуқшунос олим М.З.Зиёдуллаев тадқиқот ишларида алоҳида тўхталиб ўтган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон ИИОнинг ҳуқуқий мақоми шаклланиб, муайян даражада мустақамланиб борган бўлса-да, ИИО тизими жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги фаолиятини мустабид тузумдан қолган тартиб ва усуллар асосида олиб борар эди. Маъмурий ҳудудларда собиқ Иттифоқдан мерос бўлиб қолган участка пунктлари мазмунига кўра участка инспекторларининг хизмат хоналаридан иборат эди, холос³. Ишни бу алфозда ташкил этиш билан эса мамлакатда тинчлик ва осойишталикни самарали таъминлаш мушкул эди. Шу боис, ЎзР ВМнинг “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида”ги 170/40-сон (12.04.1999 й.) қарорида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг амалдаги тизими замон талабига жавоб бермаслиги кўрсатилди⁴. Республикада юзага келган вазият, қолаверса, 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари жамиятда тинчлик ва осойишталикни, жамоат тартиби ва хавфсизлигини самарали таъминлаш учун ИИО тизимида туб ислоҳотлар амалга оширишни тақозо этди⁵.

Дарҳақиқат, мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан зарурий чора-тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш фаолият самарадорлигини ошириш билан бирга жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир қаторда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда ундаги мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этилмас экан белгиланган мақсадларга эришиб бўлмайди.

Рус криминолог олими Ю.М. Антонян “жиноятчиликни бутунлай йўқ қилиб бўлмайди, у фақат жамият билан бирга барҳам топиши мумкин”⁶, - деб такидлаб ўтган.

² Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида:Т.6. - Т.: Ўзбекистон, 1998. (- 429 б.) – 89-б

³ Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 11.

⁴ ЎзР ВМнинг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»ги 170/40-сон (12.04.1999 й.) қарори

⁵ М.З.Зиёдуллаев. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш. Юридик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 2019. 171 б.

⁶ Теоретические основы предупреждения преступности. – М., 1977. – С. 30–31.



Албатту бу фикрларга кўшилган ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида энг самарали усулларни қўллаш ва бу йўлда субъектлар фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли Фармони ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш, шунингдек ҳудудларда жиноятчилик аҳволдан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш – ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари сифатида белгиланиб, ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилиши чоралари кўрилмоқда. Бу эса “маҳалла профилактикаси”нинг янги тизими сифатида намоён бўлади. Албатта ҳар қандай салбий ижтимоий иллатни ўз вақтида жойида аниқлаб бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади ва бу ишлар маҳалладан бошланиши ҳамда бу жараёнда барча бир ёқадан бош чиқариб ҳамкорликдаги ишлаши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “ИИОларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли Қарорида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг асосий вазифалари сифатида *биринчидан*, маҳаллада (қишлоқда) жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни бевосита амалга ошириш; *иккинчидан*, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашини ташкил этиш; *учинчидан*, аҳоли муаммоларини ҳал этиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликдан жабрланган, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш; *тўртинчидан*, маҳалланинг (қишлоқнинг) кириш-чиқиш жойларида ва ҳудуддаги бошқа объектларда ўрнатилган видеокузатув мосламаларидан фойдаланган ҳолда, ягона марказлашган электрон кузатиш ва мониторингни амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, аниқлаш ва фош этиш⁷ этиб белгиланди.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда таъкидлаш лозимки, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари олдида қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, бугунги замон талабларига мос равишда уларни ташкил этиш, техника ва алоқа воситалари билан

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “ИИОларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли Қарори//URL: <http://www.lex.uz>.



жиҳозлар ҳамда унинг раҳбари сифатида ваколат берилган профилактика катта инспектори лавозимларига касбий билим ва малакаларга эга бўлган, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича таркибга киритилган субъектлар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш қабилитига эга бўлган ходимлар билан жамлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Шу боисдан, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг бугунги кундаги фаолиятига баҳо беришда таҳлилларга эътибор қаратишимиз муҳимдир.

Жумладан, 2022 йилнинг 5 оyi давомида жами 9349 та таянч пункти ва 259 та маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолияти йўлга қўйилган, таъкидлаш лозимки, режалаштирилган 70 та маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани бугунги кунгача ташқиил этилмаган⁸.

Таъкидлаш лозимки, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани раҳбари сифатида профилактика катта инспектори маскан таркибига киритилган давлат органлари, Миллий гвардия, соҳавий хизмат ходимлари ва жамоатчилик тузилмалари вакилларининг фаолиятини самарали ташкил этишга маъсулдир. Бунда ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, унда содир этилган ҳуқуқбузарликлар таҳлили ва улар асосида пухта ишлаб чиқилган ҳамкорликдаги тадбирлар режа муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга бу жараёнда барча субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш, фаоллигини ошириш чораларини кўриши лозим.

Давлат идоралари аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратмаяпти. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаяпти. Ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётганлиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номутаносиблиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришни талаб этади⁹.

Шу билан бирга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятининг асосий принципларини белгилаб бериш муҳим аҳамият касб этади. Айнан белгиланган принциплар асосида ишни ташкил этиш қонунчилик нормалари ижросини таъминлашга қаратилиб, фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

⁸ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг 2022 йил 5 оyi давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида таҳлилий маълумоти-2022 йил.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон Қарори // URL: <http://www.lex.uz>.



Хуқуқшунос олим М.З.Зиёдуллаев таянч пунктлари фаолияти ҳақида тўхталиб: “ТПлари фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва уларни қўллаш амалиёти таҳлилига асосланиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ИИО ТПларининг фаолияти қуйидаги принципларга асосланишини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқдир: қонунийлик; фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш; инсонпарварлик; таъсир кўрсатиш чоратадбирларини фарқлаш ва яқка тартибда ёндашиш; ҳамкорликда тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инobatга олиниши ва масъулият; очиқлик ва шаффофлик”¹⁰, - деб таъкидлаб ўтганлиги ҳам юқорида билдириб ўтган фикримизга исботдир.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини бошқариш ва унга бириктирилган таркибий тузилмалар, яъни субъектлар фаолиятини бошқариш жараёнлари ҳам ўзининг ечимини топиши лозим бўлган муҳим масалалардан биридир. Чунончи, норматив-ҳуқуқий ҳужжатда профилактика катта инспекторига масканда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган бўлсада, туман (шаҳар) ҳокимлари ҳар ойда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига раҳбарлик қилаётган профилактика катта инспектори билан шахсан учрашиб, худудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида аниқланган муаммоли масалаларни ҳал этиш чораларини кўради¹¹ белгиланган. Шуниндек, туман-шаҳар ИИО бошлиғи ва унинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосарининг маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини бошқаришдаги ваколат ва вазифалари белгилаб берилмаганлиги маскан фаолиятини бошқариш жараёнларини етарли тартибга солинмаганлигини кўрсатади.

Хуқуқшунос олим М.З.Зиёдуллаев ҳам таянч пунктлари фаолиятини бошқариш жараёнларига алоҳида тўхталиб ўтган, жумладан: “Бошқарув назариясида “принцип”, “фаолият йўналиши”, “вазифа” каби категориялар қаторида “функция” тушунчаси ҳам қўлланилади. Юридик адабиётларда “функция” – давлат ва ҳуқуқнинг ижтимоий ролини тавсифловчи тушунча сифатида баён этилади¹². Бевосита ИИОнинг функциялари ҳақида сўз борганда рус олими Н.Н. Жильский уларни “ўзининг моҳияти ва ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятини акс эттирувчи ички хусусиятлар ва принципиал белгиларга эга бўлган ИИО фаолият йўналишлари”¹³, деб тавсифлайди. Яна бир олим

¹⁰ Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 21.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “ИИОларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли Қарори//URL: <http://www.lex.uz>.

¹² Радко Т.Н., Толстик В.А. Функции права: Монография. – Нижний Новгород: Нижегородская высшая школа МВД РФ, 1995. – С. 26.

¹³ Жильский Н.Н. Органы внутренних дел в государственном механизме обеспечения общественного порядка и безопасности граждан (организационно-правовой анализ) : дисс... д-ра юрид. наук. – Санкт Петербург, 2000. – С. 88. ³Жаглин А.В. Функции органов внутренних дел на



А.В. Жаглин ҳам ИИОнинг функцияларини ИИО фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлган жамоат тартибини сақлаш мисолида очиб беришга ҳаракат қилади³. Демак, шундан кўриш мумкинки, юридик фанда «ИИО функциялари» «ИИО вазифалари»га нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, ИИО фаолиятининг асосий йўналишларини назарда тутди¹⁴, - фикр билдириб ўтган.

Замонавий ҳуқуқ ижодкорлиги ва қўллаш амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, қонун ҳужжатларида ИИО соҳавий хизматларининг функцияларини аниқ белгилаб бериш мазкур вазифаларнинг мазмунини бир хилда тушуниш ва чуқур англаб етиш, ижросига батафсил ва тизимли ёндашиш ҳамда пировардида уларни самарали таъминлашга хизмат қилади¹⁵.

Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “ИИОларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли Қарори билан тасдиқланган “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида низом”га алоҳида бобида унинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосарининг маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини бошқаришдаги ваколатларини белгилаб бериш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “ИИОларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли Қарорида маскан фаолияти профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси, ҳудудда хизмат қилиш учун бириктирилган туман (шаҳар) ички ишлар органининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори, пробация бўлинмаси инспектори, тезкор вакил, патруль-пост хизмати ходимлари, ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига кўмаклашиш учун юборилган Миллий гвардия бўлинмаси, бошқа ваколатли давлат органларининг ходимлари ва жамоат тузилмаларининг вакиллари таркибида амалга оширилиши белгиланган бўлсада, аммо уларнинг ҳам аниқ вазифалари белгилаб берилмаган. Демак, юқоридаги субъектларнинг маскан фаолиятини ташкил этиш жараёнидан вазифалари белгилаб берилиши самарадорликка хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш лозимки маскан фаолиятини бошқаришда субъектларнинг ваколатлари ва вазифаларига қараб тоифаларга ажратиш, уларнинг бошқарув

современном этапе построения правового государства / [Эл. манба]. – URL: <https://cyberleninka.ru/article/v/funksii-organov-vnutrennih-del-na-sovremennom-etapepostroeniya-pravovogo-gosudarstva> (мур. вақти: 03.12.2018).

¹⁴ Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 21.

¹⁵ Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 22.



жараёнидаги иштирокини тартибга солишни тақазо этади. Э.Норбўтаев таъкидлаганидек, олимларнинг фикрлари, амалиётни ўрганиш натижалари асосида уни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар¹⁶ ишлаб чиқиш зарурлиги З.М.Охунов ва Ш.Х.Қушбоқовлар ҳам бу борада қуйидагича фикрлайди уларнинг фикрича, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омиллар, сабаб-шароитларини бартараф этишда ички ишлар органлари иштироки илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш зарур.¹⁷

Хусусан бу масалада ҳуқуқшунос олим М.З.Зиёдуллаев: “ИИО ТПлари ишини ташкил этишда иштирок этувчи ИИО соҳавий хизматлари ходимлари ва жамоатчилик тузилмаларини, ҳуқуқий мақоми, фаолиятининг хусусиятлари ва амалиёт таҳлилидан келиб чиққан ҳолда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

а) ТПлари негизида маъмурий ҳудуд бириктирилган ёки қарор асосида доимий хизматга жалб этилган ҳолда фаолият юритувчи кучлар;

б) ТПлари имкониятларидан фойдаланган ҳолда фаолият юритувчи кучлар”¹⁸ - деб уларни иккита гуруҳга ажратиш кўрсатган.

References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони// URL: <http://www.lex.uz>.
2. Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида:Т.6. - Т.: Ўзбекистон, 1998. (-429 б.) – 89-б
3. Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 11.
4. ЎзР ВМнинг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»ги 170/40-сон (12.04.1999 й.) қарори
5. М.З.Зиёдуллаев. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш. Юридик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 2019. 171 б.
6. Теоретические основы предупреждения преступности. – М., 1977. – С. 30–31.

¹⁶ Норбўтаев Э. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг айрим масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 69-77.

¹⁷ Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.

¹⁸ Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 23.



7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “ИИОларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли Қарори//URL: <http://www.lex.uz>.
8. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг 2022 йил 5 оyi давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида таҳлилий маълумоти-2022 йил.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон Қарори // URL: <http://www.lex.uz>.
10. *Зиёдуллаев М.З.* Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибini сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 21.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “ИИОларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли Қарори//URL: <http://www.lex.uz>.
12. *Радко Т.Н., Толстик В.А.* Функции права: Монография. – Нижний Новгород: Нижегородская высшая школа МВД РФ, 1995. – С. 26.
13. *Жильский Н.Н.* Органы внутренних дел в государственном механизме обеспечения общественного порядка и безопасности граждан (организационно-правовой анализ) : дисс... д-ра юрид. наук. – Санкт Петербург, 2000. – С. 88. ³*Жаглин А.В.* Функции органов внутренних дел на современном этапе построения правового государства / [Эл. манба]. – URL: <https://cyberleninka.ru/article/v/funktsii-organov-vnutrennih-del-na-sovremennom-etaperepostroeniya-pravovogo-gosudarstva> (мур. вақти: 03.12.2018).
14. *Зиёдуллаев М.З.* Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибini сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 21.
15. *Зиёдуллаев М.З.* Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибini сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 22.
16. *Норбутаев Э.* Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг айрим масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 69-77.
17. Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
18. *Зиёдуллаев М.З.* Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибini сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 23.